

## **C5+1 ФОРМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Негматов Зафар Вахобович**

*Подполковник Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси  
Ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси факултети, Давлат ва ҳарбий  
бошқарув курси тингловчиси.*

**Аннотатсия:** *Мазкур мақолада C5+1 форматини пайдо бўлиш ва унинг моҳияти, геосиёсий аҳамияти, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари билан кўп томонлама алоқалари, C5+1 формати даражасида Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ташаббуслари ҳамда ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилади.*

**Калит сўзлар:** *C5+1 формати, Марказий Осиё давлатлари, инвестициявий шериклиги, бир макон, бир йўл, САСА-1000 (Марказий ва Жанубий Осиё электр таъминоти лойиҳаси), “Ўзбекистон–АҚШ–Афғонистон” уч томонлама учрашувлари, C5+1 форматидagi лойиҳалар.*

*Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” деган концептуал сўзлардан келиб чиқиб, кўшинларда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш ва миллий руҳиятни юксалтириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Миромонович Мирзиёев.**

Марказий Осиё ўзининг бой табиий ресурслари, стратегик жойлашуви, иқтисодий, транспорт, логистика ва бошқа муҳим соҳалардаги имкониятлари боис, глобал ва минтақавий йирик давлатларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Ўзбекистон, ўз навбатида, Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Афғонистон билан чегарадошлиги ва қулай геосиёсий устунлиги сабабли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, минтақадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар, қолаверса, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларида ҳам алоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё минтақаси доим Ўзбекистон ташқи сиёсатининг диққат марказида бўлиб келган. 2021–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясига кўра, Ўзбекистон Марказий Осиёни кенг имкониятлар маконига айлантириш орқали “Хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничилик” муҳитини яратиш бўйича ўзининг минтақавий сиёсатини фаол амалга ошириб келмоқда.

Глобал пандемия бошланиши биланоқ, Ўзбекистон раҳбарияти минтақавий ҳамкорлик тарафдори эканлигини яна бир бор намоён этгани

ҳолда, Марказий Осиёда “СОВИД-19” пандемиясига қарши биргаликда курашишга чақирди. Марказий Осиё мамлакатлари коронавирус инфекциясига қарши курашиш борасидаги умумий масалаларда тажриба ва ахборот алмашинувини қўллаб-қувватлаши билан ўз минтақавий ҳамжиҳатлигини намоиш этди. Ўзбекистон томонидан Қирғизистон ва Тожикистонга, Қозоғистондан эса Қирғизистонга юборилган инсонпарварлик ёрдами минтақавий ҳамкорлик ва унинг афзалликларини яққол намоён этди.

### **Марказий Осиёда минтақавий ривожланишнинг янги динамикаси**

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев давлат раҳбари бўлганидан сўнг мамлакатда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириб, хусусан, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратди. Бундай фаол минтақавий стратегия Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида дўстона руҳдаги қулай дипломатик муҳитни яратди. Президент Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясида Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ўтказиш тўғрисида илгари сурган ташаббуси унинг ҳамкасблари томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Маслаҳат учрашувларининг иккитаси Остона (2018 йил март) ва Тошкент шаҳарларида (2019 йил ноябрь) ташкил этилди. Пандемия сабаб, учинчи учрашув 2021 йилга кўчирилиб, унга Туркменистон мезбонлик қилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан очиқ ва прагматик сиёсати туфайли минтақавий алоқалар тикланди, чегаралар очилди; ҳаво, автобус ва темир йўл йўналишлари қайта ишга туширилди ва янги йўналишлар билан бойитилди; одамлар ўртасида борди-келди алоқалари ҳам осонлашди, бу эса, ўз навбатида, минтақалараро иқтисодий ва савдо алоқаларининг ривожланишига янгидан-янги имкониятларни берди. Натижада, минтақада икки ва кўп томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада ривожланди. Масалан, 2017–2019 йиллар давомида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо ҳажми йил сайин ортиб бориб, 2019 йил якунида 5,2 млрд долларга етди. Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилда глобал пандемияга қарамасдан, Ўзбекистоннинг минтақавий савдо айланмаси ҳажми 5 млрд долларни ташкил қилди, бунда Ўзбекистон умумий товар айланмасидаги Марказий Осиё давлатлари улуши 2019 йилдаги 12,4% дан 2020 йилда 13,6% гача ўсди<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, айрим омиллар сабаб Марказий Осиё давлатлари бир-бирларига нисбатан турли савдо режимлари ва божхона тўловларини қўллаб келишмоқда. Бинобарин, бу каби фарқли режимлар мамлакатлар ўртасидаги жадал савдо алоқаларининг ривожига нафақат салбий таъсир кўрсатади, балки тўсқинлик ҳам қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси архив маълумотлари

Масалан, Марказий Осиё давлатлари савдо режимларининг ҳозирги ҳолати қуйидаги кўринишга эга:

– Қозоғистон ва Қирғизистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи аъзолари сифатида ягона божхона маконида;

– Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Жаҳон савдо ташкилоти аъзоси ҳисобланади;

– Марказий Осиё мамлакатлари (Туркменистондан ташқари) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) эркин савдо зонасига киради.

Гарчи Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро савдо-сотиқни тартибга солиш ва рағбатлантириш бўйича икки томонлама битимларни амалга ошириб келаётган бўлсада, бироқ минтақалараро савдо режимлари ва иқтисодий муносабатларни бирлаштиришга кучли талаб мавжуд, зеро, бу кейинчалик минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги “Марказий Осиё” халқаро савдо иқтисодий ҳамкорлик маркази, Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури (САРЕС), “Марказий Осиё инвестициявий шериклиги” ташаббуси каби трансчегаравий ташаббуслар ҳамда лойиҳалар икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни яхшилаш ва рағбатлантириш, минтақавий ҳамкорлик, шунингдек, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича кўп томонлама саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, қолаверса, ривожлантириш салоҳиятига эга. 2021 йилнинг январь ойида Ўзбекистон, Қозоғистон ва АҚШ билан биргаликда “Марказий Осиё инвестициявий шериклиги” ташаббусини йўлга қўйди. Мазкур ташаббус орқали минтақада иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида беш йил давомида қарийб 1 млрд доллар жалб этилиши, айниқса, диққатга сазовордир.

Шунингдек, ушбу ташаббус “С5+1” платформаси орқали Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва унинг ўсишини таъминлаш мақсадида савдо-сотиқни ошириш, комплекс ривожланишни рағбатлантириш ҳамда кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштириш учун барча мавжуд салоҳиятлардан фойдаланиш имконини беради.

Бундан ташқари, юқоридаги каби ташаббус ва дастурлар орқали ҳудудлараро савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё мамлакатлари билан ягона минтақавий шерик сифатида алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор етакчи жаҳон давлатларининг фаоллашувига ҳамда минтақанинг инвестицион жозибадорлигининг ортишига хизмат қилади.

### **Жадаллашаётган “5+1” кўп томонлама ҳамкорлик платформаси**

Марказий Осиё давлатларининг ўсиб бораётган иқтисодиёти, сиёсий эркинлиги ва таъсири билан боғлиқ сўнги ижобий ўзгаришлар халқаро

майдондаги йирик кучларнинг Марказий Осиё минтақасидаги жараёнларга бўлган эътиборини янада кучайтирди. Масалан, агар ўтган йили АҚШ ва Европа Иттифоқи Марказий Осиёга нисбатан ўз стратегиясини қайта кўриб чиқиб янгиллаган бўлса, бошқа томондан, Россия ва Хитой ҳам Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ва “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Марказий Осиё давлатлари билан ўз ҳамкорлигини мустаҳкамлашга интилоқда. Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё давлатлари билан фаол ҳамкорликка, шунингдек, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа қатор мамлакатлар ҳам қизғин киришмоқда. Марказий Осиё геосиёсатида иштирок этаётган мазкур йирик давлатлар минтақада ўз манфаатларига эга.

“5+1” деб аталувчи кўп томонлама учрашувлар формати Марказий Осиёнинг бешта давлати (“5”) ва халқаро ҳамкор (“1”)ни назарда тутди. Мазкур формат ташқи ишлар вазирлари ва экспертлар даражасида мунтазам равишда ташкил этиладиган учрашувлар ҳамда форумлар доирасида доимий мулоқот қилиш учун дипломатик платформа вазифасини ўтайди.

2015 йилнинг ноябрь ойида Самарқандда АҚШ ташаббуси билан йўлга қўйилган “С5+1” ҳамкорлик форматида эса Марказий Осиё давлатларининг ташқи ишлар вазирлари ва АҚШ давлат котиби иштирок этди. Шундан сўнг кейинги йиллар давомида бир нечта учрашувлар ташкил этилиб келинмоқда. Охириги икки учрашув эса глобал пандемия туфайли виртуал форматда ўтказилди. 2021 йилнинг 23 апрелида бўлиб ўтган навбатдаги виртуал “С5+1” учрашувда АҚШ давлат котиби Энтони Блинкэн АҚШ Марказий Осиё давлатларининг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги тарафдори эканлигини эътироф этди.

Шунингдек, Энтони Блинкэн ушбу йилда “С5+1”нинг беш йиллиги ва Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллигининг ўттиз йиллиги байрами нишонланишини эслатиб ўтди. Учрашувда АҚШ давлат котиби ва Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни, “СОВИД-19”дан кейинги тикланиш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Аслида, 2004 йилда Япония ташқи ишлар вазирлари даражасидаги “Марказий Осиё – Япония”, яъни “5+1” ҳамкорлик форматини жорий қилган илк мамлакат бўлди. Унинг ортидан Жанубий Корея (2007), Европа иттифоқи (2008), кейинчалик бошқа давлатлар ҳам мазкур ҳамкорлик форматида учрашувларни йўлга қўйишди. Айниқса, 2017 йилдан бошлаб, халқаро ҳамкорлар “С5+1” кўп томонлама платформаси орқали Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни ривожлантиришга диққат-эътиборини кучайтирди. Мисол учун, 2019 йилда Ҳиндистон, 2020 йилдан Россия ва Хитой “5+1” форматидаги кўп томонлама учрашувларни амалиётга татбиқ қила бошлади. Бу орқали Россия ва Хитой минтақа давлатлари билан

нафақат икки томонлама муносабатларни ўрнатишини, балки Марказий Осиёни халқаро муносабатларнинг ягона субъекти деб ҳисоблашини намойиш этди<sup>2</sup>.

“Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирларининг ҳамкорликнинг стратегик йўналишлари тўғрисидаги қўшма баёноти”дан сўнг ўтказилган “5+1” учрашувини Россиянинг минтақага нисбатан қисман ўзгарган ёндашувини белгиловчи дастурий ҳужжат сифатида кўриш мумкин.

Ўз навбатида, 2021 йилнинг 12 май куни Хитойнинг Сиан шаҳрида “Марказий Осиё – Хитой” (С5+С) ташқи ишлар вазирларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда вазирлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, транспорт ва савдо алоқаларини ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Шунингдек, Афғонистондаги вазият ва ушбу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, “сўнгги 30 йил ичида АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатидаги изчиллик минтақанинг мустақиллигини тан олиш ва қўллаб-қувватлашга асосланган”. Шунинг учун яқин йилларда “С5+1” формати Марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий, инвестициявий, гуманитар, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизлик соҳасидаги муносабатларни жадаллаштириш учун ҳамкорликнинг самарали механизми сифатида хизмат қилиши мумкин.

Хитой – Россия “5+1” формати нисбатан яқинда жорий қилинган бўлса-да, барча томонларнинг самарали ҳамкорлик қилишга тайёрлигига қараб, ижобий натижаларни бериши кутиляпти.

Шу билан бирга, “С5+1” ҳамкорлик формати доирасида қўллаб-қувватланаётган САСА-1000 (Марказий ва Жанубий Осиё электр таъминоти лойиҳаси) ва Туркменистон–Афғонистон–Покистон–Ҳиндистон табиий газ қувури лойиҳалари молиялаштириш ва Афғонистондаги хавфсизлик билан боғлиқ масалалар туфайли ҳозирча амалга оширилмади.

Қайд этиш жоизки, жўғрофий, сиёсий ва иқтисодий афзалликлари эвазига Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнидаги ўрни ва саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. АҚШ ва НАТО ўз қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиш тўғрисидаги қароридан сўнг юзага келган сиёсий ноаниқликларга қарамай, Ўзбекистон минтақавий ва глобал ҳамкорлар билан ўзаро барқарорликни таъминлашдаги изчил алоқаларни ўрнатиб келмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Афғонистонни Марказий

<sup>2</sup> “Янги Ўзбекистон” газетаси

Осиёнинг ажралмас қисми деб ҳисоблаб, мамлакатни минтақавий иқтисодий жараёнлар ва инфратузилма лойиҳаларига жалб этишга кўмаклашмоқда<sup>3</sup>.

Шу нуқтаи назардан, “Ўзбекистон–АҚШ–Афғонистон” уч томонлама учрашувлари, “Ўзбекистон–Япония–Афғонистон”, “Ўзбекистон–Хитой–Афғонистон” расмий музокараларининг ўтказилиши, шунингдек, Афғонистон делегацияларининг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий алоқадорлик. Таклиф ва имкониятлар” мавзусида юқори даражадаги халқаро конференциядаги иштироки, “Ҳиндистон–Марказий Осиё” мулоқоти ва бошқа муҳим жараёнларга жалб қилинаётганлиги Ўзбекистоннинг Афғонистон ва Марказий Осиё масалаларидаги конструктив ролини намоён этади. Дарҳақиқат, бугунги кунда Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилишда биргаликдаги минтақавий стратегия ва қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат котиби Энтони Блинкен АҚШнинг асабийлашган Марказий Осиё давлатларини Россияга қарамлигини камайтириш учун қўллаб-қувватлашга ваъда берди, чунки у Украина бўйича ҳар қандай иккиланиш собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги бошқа мамлакатларда Москвани руҳлантириши мумкинлигидан огоҳлантирди.

Россия босқинининг йиллигидан бир неча кун ўтиб, АҚШ бош дипломати Москва узоқ вақтдан бери ишчилар учун асосий куч ва магнит бўлиб келган ва қўшни Хитойнинг ҳам таъсири кучайиб бораётган бешта Марказий Осиё давлатидаги ҳамкасблари билан учрашди. Қозоғистоннинг музли, шамолли пойтахти Остонадаги йиғилишда Блинкен Марказий Осиёга Россиядан узоқда савдони диверсификатсия қилиш учун сентябр ойида эълон қилинган 25 миллион долларга қўшимча равишда 25 миллион доллар янги маблағ ажратилишини эълон қилди. Ташаббуслар орасида инглиз тилидаги таълим, электрон тўлов тизимларини ривожлантириш ва қайтган меҳнат муҳожирлари учун тренинглари мавжуд. Барча беш давлат – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари билан учрашган Блинкен Қўшма Штатлар уларнинг “суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини” қўллаб-қувватлашини айтди.

“Мен Қўшма Штатлар Қозоғистоннинг келажагини эркин белгилаб олиши учун барча давлатлар қатори содиқ қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқладим, айниқса Россия Украинага кенг кўламли бостириб киришини бошлаганига бир йил тўлди. Блинкен қозоғистонлик ҳамкасби билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида.

Блинкеннинг айтишича, Россия урушни Украинадан ташқарига кенгайтиришни режалаштираётгани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга

---

<sup>3</sup> “Газета.уз” сайти

бўлмаса-да, босқин Марказий Осиёда “кучли, бардошли жамиятлар” қуриш зарурлигини кўрсатди.

“Агар биз Россиянинг Украинага бостириб кириши билан бузаётган тамойилларни қўллаб-қувватлай олмасак, бу, менимча, Россия тажовузкорлиги бошқа йўналишларга ишора қилиши мумкин бўлган катта истиқболни яратган бўларди”, деди у.

“Биз назорат ва мувозанат тизимини сақлашга ҳаракат қилмоқдамиз”, деди у ва барча давлатлар билан “ўзаро манфаатли ҳамкорлик”га чақирди.

Собиқ Совет Республикаси Беларусдан фарқли ўлароқ, Марказий Осиё давлатлари уруш бўйича Москва ортидан бирлашмаган, ўтган ҳафта БМТ Бош Ассамблеясининг Россияни тарк этишини талаб қилган резолюциясида бештаси бетараф қолган ёки овоз бермаган.

Дипломатнинг сўзларига ко'ра, унинг халқи Украина босқинини қўллаб-қувватламаслигини, лекин "Россияни янада кўзғатмаслик учун қандайдир ўзини тутиши" борлигини айтди. Россия билан қуруқликдаги энг узун чегараси 7644 километр (4750 миля) бўлган Қозоғистон ҳарбий хизматдан қочган ўн минглаб россияликларни кутиб олди, бу қадам Блинкен томонидан олқишлади.

С5+1 мулоқот формати ва АҚШ ва Марказий Осиёнинг бешта давлатининг умумий муаммоларини ҳал қилиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар платформасидир. У минтақадаги икки томонлама муносабатларни тўлдирди, айниқса минтақавий ёндашув нисбатан устунлик бериши мумкин бўлган соҳаларда. 2015-йилнинг ноябр ойида Самарқандда бўлиб ўтган биринчи С5+1 вазирлар учрашувида олти ташқи ишлар вазирлари умумий манфаатларга эга бўлган учта секторга эътибор қаратишга келишиб олдилар: хавфсизлик, айниқса, терроризм таҳдидига; минтақавий савдо оқимлари ва АҚШ савдо ва инвестициялари истиқболларини яхшилашга эътибор қаратган ҳолда иқтисодиёт; ва экологик муаммолар. Шунингдек, ҳар бир соҳа бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш ва асосий эътиборни амалий натижаларга эришишга қаратишга келишиб олдилар.

С5+1 формати яратилганидан бери Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий ёндашувларга қизиқиш ортиб бормоқда ва уни биргаликдаги ҳаракатлар учун катализатор сифатида кўришмоқда. Ишчи гуруҳларнинг йиғилишлари ўзаро ҳамкорлик ва очиқ ахборот алмашувининг алоҳида даражаси билан ажралиб туради. Умид қиламизки, лойиҳалар ривожланиши билан С5+1 формати бошқа соҳаларда ҳам минтақавий ҳамкорлик моделларини яратади.

#### **С5+1 форматидаги лойиҳалар:**

**С5+1 форматидаги терроризмга қарши кураш.** АҚШ Тинчлик институти ҳомийлигидаги лойиҳадир. Сиёсий актёрлар ва экспертлар

терроризм ва хорижий террорчилар ҳаракати билан курашиш бўйича илғор тажриба ва минтақавий ёндашувларни илгари суриш учун кучларни бирлаштиради. 26 июль куни Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида хавфсизлик бўйича ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди ва унинг якунида зўравонлик экстремизми ва радикаллашувига қарши кураш бўйича лойиҳаларни илгари суриш ва ахборотга қарши кураш кампаниясини ишлаб чиқиш бўйича кенг консенсусга эришилди.

**Марказий Осиёда бизнеснинг C5+1 форматида рақобатбардошлигини ошириш.** Лойиҳа АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги орқали Марказий Осиёнинг ички бозорида хусусий секторни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш орқали, асосан боғдорчилик соҳасига эътибор қаратган ҳолда амалга оширилмоқда.

**C5+1 форматида транспорт коридорини ишлаб чиқиш.** Лойиҳа АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги томонидан амалга оширилиб, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг транспорт ва логистика соҳаларини такомиллаштириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган.

**Келажак энергияси C5+1 форматида.** Лойиҳа АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ёрдамида амалга оширилмоқда. Илғор энергия ечимлари ва кам эмиссияли технологияларга ўтиш, бундай технологияларни қабул қилиш ва кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди.

**C5+1 форматида миллий ва минтақавий мослашишни режалаштиришни қўллаб-қувватлаш.** Лойиҳа АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги томонидан амалга оширилмоқда. Экологик хавфларни аниқлаш ва ҳаракатлар устуворлигини аниқлаш билан миллий мослашиш режаларини қўллаб-қувватлайди.

### **Хулоса**

Шуни эътироф этиш жоизки, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг янги – “5+1” формати алоқаларни ривожлаштириш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари ва уларнинг хорижий шериклари ўртасида мунтазам мулоқот қилиш учун самарали механизм ҳисобланади, бу эса, ўз навбатида, минтақавий барқарорлик, иқтисодий ва инклюзив тараққиётга хизмат қилади.

Шу билан бирга, минтақа ва хорижий ҳамкор давлатлар ўртасида янги форматлар ва мулоқот майдонларини шакллантириш Марказий Осиёнинг геосиёсий ва иқтисодий аҳамиятини оширади. Бир томондан, “5+1” формати ҳамкорлик учун қулай дипломатик платформа ҳисобланса, бошқа томондан, “мувозанатлаштирувчи минтақавийлашув” назариясига кўра, кўп томонлама ҳамкорлик ва мулоқот шакллари орқали ташқи сиёсатни амалга ошириш ҳамда ташқи кучларнинг таъсирини мувозанатловчи норасмий воситадир. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги геосиёсий вазият ва шароитда Марказий Осиё

давлатлари учун хорижий ҳамкорлар билан кўп томонлама ва мувозанатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ғоят муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш Марказий Осиёнинг аҳамиятини ошириб, минтақа манфаатлари йўлида турли масалаларни бартараф этишнинг самарали омили саналади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси архив маълумотлари. (Туляков, Ҳакимов, 2021)
2. “Янги Ўзбекистон” газетаси.
3. “Газета.уз” сайти.

